



O'ZBEKISTONDA TURIZM FAOLIYATINI RAQAMLASHTIRISHNING ASOSIY YO'NALISHLARI VA SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO'LLARI

Xalqaro ilmiy-amaliy
konferensiya

2025-yil 20-may



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI DIN ISHLARI BO‘YICHA
QO‘MITASI
O‘ZBEKISTON XALQARO ISLOM SHUNOSLIK AKADEMIYASI**

**“O‘ZBEKISTONDA TURIZM FAOLIYATINI
RAQAMLASHTIRISHNING ASOSIY YO‘NALISHLARI VA
SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO‘LLARI”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari**

Материалы международной научно-практической
конференции на тему:
**“ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ И ПУТИ ПОВЫШЕНИЯ
ЭФФЕКТИВНОСТИ ЦИФРОВИЗАЦИИ ТУРИСТИЧЕСКОЙ
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ”**

International scientific and practical conference on the topic
**“MAIN DIRECTIONS OF DIGITALIZATION OF TOURISM
ACTIVITY IN UZBEKISTAN AND WAYS TO INCREASE ITS
EFFICIENCY”**

2025-yil 20-may

Toshkent – 2025

ҚУРҒОҚЧИЛ ХУДУДЛАР АГРОБИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСРОИЛ ДАВЛАТИНИНГ ТАЖРИБАЛАР

Миролим ТЕШАЕВ,

Бухоро давлат университети, мустақил изланувчиси

Қурғоқчил ҳудудларда аграр тадбиркорликни ривожлантириш масаласи жаҳон миқёсида энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Иқлим ўзгариши, сув ресурсларининг чекланганлиги ва ер майдонларининг шўрланиши каби омиллар қишлоқ хўжалигида самарадорликни оширишга йўналтирилган янги ёндашувларни қўллашни талаб этмоқда. Шу боис қурғоқчил минтақаларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва агробизнес субъектлари фаолиятини барқарор ривожлантириш хорижий тажрибани чуқур ўрганиш орқали амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

Хорижий мамлакатлар тажрибасини таҳлил қилиш, аввало, қишлоқ хўжалигида инновацион технологиялардан фойдаланиш, сувни тежамкор бошқариш тизимлари, ҳамда маҳсулот турларини тўғри диверсификация қилиш каби йўналишларда самарали ечимларни топиш имконини яратади. Айниқса қурғоқчил ҳудудларда аграр тадбиркорлик билан шуғулланишда рисклар юқори бўлгани учун, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг бу борадаги амалиётини солиштириш орқали маҳаллий шарт-шароитларга мос келадиган моделларни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, хорижий тажрибани ўрганиш нафақат технологик янгилликларни жорий этиш, балки агробизнес субъектларини иқтисодий рағбатлантириш, давлат қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш каби омилларда ҳам катта аҳамиятга эга. Масалан, қатор мамлакатларда қурғоқчил ерларда етиштирилган маҳсулотлар учун субсидиялар, солиқ имтиёзлари ва махсус кредит дастурлари жорий этилган бўлиб, уларни Ўзбекистон шароитида ҳам татбиқ этиш имкониятлари мавжуд.

Глобал тажрибаларни таҳлил қилиш орқали маҳаллий агробизнес учун стратегик йўналишларни белгилаш мумкин бўлади. Бу эса, ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, ички бозорда барқарорликни таъминлаш ва экспорт салоҳиятини кучайтиришга хизмат қилади. Шу жиҳатдан, хорижий тажрибани илмий асосда ўрганиш ва амалиётга татбиқ этиш Ўзбекистонда қурғоқчил ҳудудларда аграр тадбиркорликни самарали ривожлантиришнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади.

Қурғоқчил ҳудудларда қишлоқ хўжалигини самарали ривожлантириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш масаласи жаҳон тажрибасида муҳим илмий-амалий йўналиш сифатида намоён бўлмоқда. Айниқса сув ресурслари чекланган, иқлим шароити каттиқ бўлган ҳудудларда самарали аграр тадбиркорликни йўлга қўйишда Исроил тажрибаси алоҳида аҳамият касб этади. Чунки мазкур давлат қишлоқ хўжалиги салоҳияти жиҳатидан табиий ресурсларга камбағал бўлишига қарамасдан, инновацион технологиялар ва

иқтисодий рағбатлантириш дастаклари орқали юқори натижаларга эришиб келмоқда.

Исроил давлати ўз табиий-географик шароити жиҳатидан асосан курғоқчил ва ярим курғоқчил ҳудудларда жойлашган. Мамлакат ер майдонининг қарийб 60 фоиздан ортиқ қисми Негев чўли ва шўрланишга мойил ерлардан иборат. Яъни деҳқончилик учун қулай бўлган ҳудудлар чекланган ва табиий сув ресурслари жуда танқис ҳисобланади. Бироқ шундай мураккаб иқлим шароитида ҳам Исроилда қишлоқ хўжалиги мамлакат иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бирига айланган. Мамлакат умумий ялпи ички маҳсулотининг 3–4 фоизини аграр тармоқ ташкил этади, бироқ аҳолини сифатли ва қўшимча қийматга эга озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдаги аҳамияти ниҳоятда юқори²⁷⁷.

Исроилнинг умумий ер майдони 22 минг км² атрофида бўлиб, шундан 60–65% ҳудуди қуруқ ва ярим қуруқ минтақаларга тўғри келади. Мамлакатда 20% га яқин ер қишлоқ хўжалиги учун яроқли ҳисобланади. Шу сабабли, аграр тадбиркорлик асосан чекланган майдонларда, интенсив технологияларга асосланган ҳолда амалга оширилади. Қишлоқ хўжалиги ялпи ички маҳсулотда улуши катта бўлмаса-да (2–3%), экспортда муҳим аҳамият касб этади²⁷⁸.

Шу боис Исроил қишлоқ хўжалигида асосий эътибор қуруқчил ерларни самарали ўзлаштириш ва тадбиркорликни технологик асосда ташкил этишга қаратилган. Бу йўналишда давлат сиёсати, илмий тадқиқотлар ва хусусий сектор ўзаро интеграцияда фаолият юритади.

Исроил аграр тадбиркорлари қуруқчил ҳудудларда асосан цитрус мевалари, анор, зайтун, хурмо, сабзавот экинлари (ҳимояланган майдонларда), жавдар, беда ва сув тежамкор дон турларини етиштиришга йўналтирилган. Шу билан бирга, Негев чўлида илмий марказлар ёрдамида ҳимояланган майдонлар барпо этилган бўлиб, уларда экспортбоп маҳсулотлар -помидор, бодринг, қулупнай, қалампир ва экзотик мева турлари етиштирилади. Бу ерларда аграр тадбиркорликнинг муҳим жиҳати шундаки, ишлаб чиқариш юқори технологиялар асосида ташкил этилади ва маҳсулотлар асосан қайта ишланиб, қўшимча қиймат билан бозорга чиқарилади. Масалан, хурмо ва анордан тайёрланган концентратлар, зайтун ёғлари, цитрус асосидаги шарбатлар халқаро бозорларда талабгор маҳсулот ҳисобланади²⁷⁹.

Инновациялар Исроилни сув ресурслари чегараланган шароитларда ҳам рақобатбардош аграр тадбиркорлик моделига айлантириб берди. OECD маълумотлари асосида, 2020–2202 йиллар мобайнида қишлоқ хўжалиги бюджетига йўналтирилган тадқиқот ва ривожлантириш маблағлари йилига тахминан 107 миллион АҚШ доллари миқдорида бўлиб, унинг 21 миллиони рағбатлантириш (грантлар) учун сарфланган²⁸⁰. Бу инновацион тадбиркорликни кўллаб-қувватлашдаги замонавий ёндашувларнинг асосий кўрсаткичидир.

²⁷⁷ Borukhov, E. (2020). *Agricultural Innovation in Israel: Policy and Practice*. Tel Aviv University Press.

²⁷⁸ Ministry of Agriculture and Rural Development of Israel (2022). *Annual Agricultural Report*. Jerusalem.

²⁷⁹ FAO (2021). *Water Management in Arid Lands: The Case of Israel*. Rome: Food and Agriculture Organization.

²⁸⁰ Israel. Support to agriculture. https://www.oecd.org/en/publications/agricultural-policy-monitoring-and-evaluation-2023_b14de474-en/full-report/israel_5c28f8e4.html

Исроилда аграр тадбиркорларнинг кредитларга кириш имкониятлари кучли қўллаб-қувватлайди. Давлат банк кредитлари қийматининг 85% гача кафолат беради, бу кичик хўжаликлар учун катта афзалликни яратиб беради²⁸¹. Шу билан бирга, табиий хатарларга қарамликни камайтирадиган суғурта механизмлари хусусан турли кўп-хатарли суғурта ёки табиий зарарларга қарши сарфларини тегишлича 80% ёки 35% қоплаб беришнинг самарали тизими ишлаб чиқилган²⁸².

Одамларга қўшимча қиймат яратиш мақсадида жорий этилган қатор субсидия ва инвестиция дастурлари ҳам муҳим ҳисобланади. Хусусан, 30 миллион долларлик таъсис этилган грантлар орқали фермерларга технологик воситаларни (автоматлаштириш, гидропоника, IoT, сунъий интеллект) харажатларининг 25% гача қоплаб беради ва улар Исроилда ишлаб чиқилган технологик инновацияларга қўшимча 5% имтиёз тақдим этилади²⁸³.

Исроил аграр маҳсулотларини экспорт қилишда Давлат томонидан экспортга йўналтирилган субсидиялар (масалан, гул, мевалар ва цитрус), бозорларга кириш, тариф ва квота орқали қўллаб-қувватлайди²⁸⁴.

Инновацион иссиқхоналар, сенсорли мониторинг ва “ақлли фермерлик” тизимларини жорий қилган тадбиркорлар учун давлат томонидан стартап ва технологик дастаклар - технологик ускуналарни сотиб олишда субсидиялар, грантлар тарзида кўмак берилади²⁸⁵.

Исроил ҳукумати аграр тадбиркорлик субъектларини нафақат молиявий, балки институционал жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватлайди. Илмий марказлар, инновацион лабораториялар ва аграр инкубаторлар орқали тадқиқот ва амалиёт уйғунлиги таъминланади. Шу орқали тадбиркорлар янги турдаги маҳсулотлар, технологиялар ва маркетинг стратегияларини ўзлаштириш имкониятига эга бўлади.

Илмий хулоса сифатида айтиш мумкинки, курғоқчил ҳудудларда аграр тадбиркорликнинг ривожланиши озиқ-овқат хавфсизлиги, қишлоқ аҳолиси бандлиги ва табиий ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлашнинг энг муҳим омилдир. Хорижий тажрибалар шуни кўрсатадики, бундай шароитда сув ресурсларини оқилона бошқариш, инновацион агротехнологияларни жорий қилиш, давлат томонидан молиявий ва институционал кўмакни кучайтириш агробизнеснинг барқарор ривожланиши учун замин яратади.

²⁸¹ Шу манба.

²⁸² Шу манба.

²⁸³ Agro-tech support initiatives for farmers to encourage the purchase of innovative technologies. <https://israelagri.com/agro-tech-support-initiatives-for-farmers-to-encourage-the-purchase-of-innovative-technologies>

²⁸⁴ National agricultural policy report Israel. <https://www.researchgate.net/publication/257681189>

²⁸⁵ <https://www.mordorintelligence.com/industry-reports/agriculture-in-israel-market>

MUNDARIJA

Kirish	3
YALPI MAJLIS	
<i>Kamilov M.</i> Raqamli texnologiyalarning turizm xizmatlarini takomillashtirishdagi o'rni	5
<i>Tuxliyev H., Maksudova III.</i> Ўзбекистонда туристик фаолиятни рақамлаштиришнинг иқтисодий-ижтимоий аҳамияти ва муаммолари	10
<i>Mammetova B.</i> Orol bo'yida barqaror turizmni rivojlantirish: muammolar, istiqbollar va yangi yo'nalishlar	15
<i>Astanakulov O.</i> ChatGPT va turizm industriyasi: hozirgi tendensiyalar va istiqboldagi tadqiqot yo'nalishlari	20
<i>Xusanov Ch.</i> Raqamli transformatsiya sharoitida O'zbekistonda turizm sohasining rivojlanish istiqbollari	27
<i>Rasulov X.</i> Turistik obyektlarda xizmat ko'rsatish madaniyatini oshirishning innovatsion yondashuvlari	32
<i>Бухарова Ф.</i> Перспективы развития зеленого туризма в Узбекистане	37
<i>Uktamov M.</i> Improving the Tourism Workforce Development System and Expanding International Cooperation in Uzbekistan	45
<i>Oppoxonov N.</i> O'zbekistonda aqlli shahar (smart city) konsepsiyasini turizm infratuzilmasiga integratsiyalash imkoniyatlari	51

I SHO'BA

O'ZBEKISTONDA TURIZM FAOLIYATINI RAQAMLASHTIRISHNING ILMIY-NAZARIY ASOSLARI VA KONSEPTUAL YONDASHUVLARI

<i>Abdullayev R., Jaloliddinova M.</i> O'zbekistonda turizm faoliyatini raqamlashtirishning asosiy yo'nalishlari va samaradorligini oshirish yo'llari	58
<i>Azizova N., Farxodova Sh.</i> Adabiy turizmni rivojlanishi: o'zbek milliy modeli va xorij tajribasi	62
<i>Адылова Д.</i> Международные стандарты устойчивого туризма: опыт Республики Узбекистан и стран Центральной Азии по программе MOST	69
<i>Охунов Д., Охунов М.</i> Основные тенденции развития туризма в условиях цифровой трансформации общества и бизнеса	76
<i>Asraqulov A.</i> Turistik xizmatlar shakllanishiga mavsumiylik omili ta'siri va uni tekislash imkoniyatlari	81
<i>Jahongirov K., Ababaxriyeva O.</i> O'zbekistonning xalqaro turizm bozorida o'rni va imijini shakllantirishda raqamli texnologiyalarning ahamiyati	86
<i>Ishanxodjaeva D.</i> O'zbekiston turizmini rivojlantirishda bank-moliya tizimining ahamiyati	93
<i>Raximov R., Usmonov A.</i> O'zbekiston turizm sohasida raqamli texnologiyalarni joriy etishning ilmiy-nazariy asoslari va strategik yo'nalishlari	97
<i>Teshabaeva O., Himmatova G.</i> O'zbekiston turizm tizimini raqamlashtirish: konseptual yondashuvlar va ilmiy asoslar	99
<i>Sodikov Z.</i> Ekoturizmni rivojlantirishda g'or turizmining roli	104
<i>Raximov Sh.</i> O'zbekistonda raqamli turizm infratuzilmasini rivojlantirish	108
<i>Homidov M., Hakimova G.</i> Turistik resurslarni xalqaro bozorga olib chiqish uchun marketing strategiyasida raqamli texnologiyalardan foydalanish usullari	112
<i>Beysenov K.</i> O'zbekiston Respublikasida raqamli turizmni rivojlantirish istiqbollari	120
<i>Ergashbaev Sh.</i> O'zbekistonda turizm faoliyatini raqamlashtirishda adabiy turizm va uni rivojlantirish istiqbollarining uzluksiz ta'lim tizimiga ta'siri	124
<i>Isakdjanova M.</i> O'zbekistonda san'at muassasalari faoliyatini raqamlashtirish: xizmat ko'rsatish jarayonlarini takomillashtirish imkoniyatlari	127
<i>Abdullayev R., Jo'rayeva R.</i> O'zbekistonda turizm faoliyatini raqamlashtirishning ustuvor yo'nalishlari va samaradorligini oshirish strategiyalari	131

yondashuvlar va rivojlanish istiqbollari.....	
Mirzayev A.T., Ne'matova D. Xalqaro hamkorlikni sanoat va turizm o'rtasida uzviy bog'laydigan mexanizmlarni rivojlantirish yo'llari.....	465
Adhamjonova Z., Jiyanov U. Turizm sohasida kadrlar tayyorlash tizimini takomillashtirish va xalqaro hamkorlikni kengaytirish imkoniyatlari.....	467
Ro'zimatova N. Davlat moliyaviy nazoratida axborot texnologiyalaridan foydalanishni kengaytirish masalalari.....	471
Iskandarov Z. Ochiq budget siyosatining samaradorligi va fuqarolik jamiyatining rivojlanishiga ta'siri.....	475
Ratayev F. Jizzax viloyati fermer xo'jaliklari faoliyatini statistik tadqiq etishdagi mavjud muammolar va yechimlar.....	479
Ne'matova M. Mahsulotlarni sotish va xizmatlar ko'rsatishda Sanoat-4 inqilobidan foydalanish amaliyoti.....	483
Mamedov K. Ilg'or xorijiy mamlakatlarda sanoat salohiyati samaradorligini oshirishni rag'batlantirishda qo'llaniladigan institutsional mexanizmlar va ularning samaradorligi...	487
Kasimova G., Mallayev Z. G'aznachilik tushunchasi, mohiyati va vazifalari.....	491
Kasimova G., Abdushukurov Z. Raqamli iqtisodiyot tushunchasi, xususiyatlari va rivojlanish bosqichlari.....	494
Kurbanov F., Xo'janiyozov Sh. Xorazm viloyatidagi mehnat resurslari samaradorligini tahlil qilish va prognozlash.....	497
Anorboyeva B. Statistical analysis of production of fruit and vegetable products in the republic of Uzbekistan.....	502
Samandarov O. Tijorat banklarining raqamli transformatsiyasi: Kredit xizmatlarini yaxshilash va mijozlar tajribasini optimallashtirish.....	506
Наумов А. Ўзбекистон инновацион корхоналар бошқаруви амал қилишининг ташкилий-иқтисодий хусусиятлари.....	510
Iskandarov Z. Byudjet mablag'laridan foydalanish samaradorligini ta'minlashda jamoatchilik nazoratini rivojlantirish.....	516
Davletova S. Rivojlanayotgan bozorlarda innovatsion loyihalarni boshqarishda kadrlar menejmenti.....	520
Mamashokirova I. Paying for health: an empirical analysis of tax willingness in Uzbekistan.....	523
Xolmatov D. Moliyaviy bozor barqarorligini ta'minlash mexanizmlari.....	530
Маликов И. Ўзбекистонда маҳсулот сифатини бошқариш тартибга солишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари.....	537
Алимова М. Рақобатчилик муҳити шароитида туризм хизматларисоҳасини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш.....	540
Olimova M. Onlayn savdoning O'zbekistondagi rivojlanish tendensiyalari va istiqbollari.....	543
O'rinboyev U. O'zbekiston qishloq xo'jaligida agroklaster tizimining shakllanishi, iqtisodiy samaradorligi va ijtimoiy ta'siri (2018–2024-yillar tahlili).....	546
Rustambekovna S.Z. Aholi demografiyasi va uning davlat iqtisodiy taraqqiyotiga ta'siri.....	552
Тешаев М. Курғоқчил ҳудудлар агробизнес субъектлари фаолиятини ривожлантириш исроил давлатининг тажрибалар.....	555
Исмоилов М. Худудий кичик бизнес фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишга таъсирини статистик баҳолаш.....	558
Халбеков Ш. Қашқадарё вилоятида иқтисодий ўсиш ва камбағаллик даражасининг ўзаро таъсирини эконометрик моделлаштириш.....	560
Тешаев М. Курғоқчил ҳудудлар агробизнес субъектлари фаолиятини ривожлантириш австралия давлатининг тажрибалар.....	562